

APRIL 23-24

2024



O'zbekiston Respublikasi  
oliy ta'lim, fan va  
innovatsiyalar vazirligi



Chirchiq davlat pedagogika  
universiteti

**Zamonaviy filologiya va  
lingvodidaktikaning dolzarb  
masalalari**

***Current Issues of Modern Philology and  
Linguodidactics***

***Aktuelle Fragen der modernen  
Philologie und Linguodidaktik***

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

International Scientific and Practical Conference

Internationale wissenschaftliche und praktische Konferenz

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google  
scholar

**CHIRCHIQ DAVLAT  
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

**CHIRCHIK STATE  
PEDAGOGICAL UNIVERSITY**

**STAATLICHE PÄDAGOGISCHE  
UNIVERSITÄT CHIRCHIK**

**[www.cspu.uz](http://www.cspu.uz)**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**



**«ZAMONAVIY FILOLOGIYA VA LINGVODIDAKTIKANING  
DOLZARB MASALALARI»  
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya  
MATERIALLARI  
(Chirchiq sh., 2024 yil 23-24 aprel)**



**MATERIALIEN  
der internationalen wissenschaftlichen Konferenz  
„AKTUELLE FRAGEN DER MODERNEN PHILOLOGIE UND  
LINGUODIDAKTIK“  
(Chirchik, den 23-24 April 2024)**

## ҚИЗБИБИ ТОПОНИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БУХОРО АФСОНАЛАРИ ҲАҚИДА

**Дилрабо Қувватова**

БухДУ профессори, филология фанлари доктори

**Гулмира Бозорова**

БухДУ Филология факультети 3-босқич талабаси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ономастик бирликлар тизимида топонимлар катта ўринни ташкил этади. Улар орасида антропонимлар асосида шаклланган шундай номлар бор. Мақолада “Қизбиби” ҳақидаги афсоналаргу таяниб, шу номдаги топонимнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ёртилган.

**Калит сўзлар.** Ономастик бирликлар, халқ афсоналари, антропонимлар, Қизбиби, топоним

Жуда кўп ономастик бирликлар халқ афсоналари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Жумладан, булар қаторида киши номлари – антропонимлар асосида юзага келган топонимлар ҳам бор. Шулардан бири – Қизбиби исми бўлиб, ушбу аёл номи билан алоқадор тўртта афсона мавжуд. Улар таниқли фольклоршунос олим М. Жўраев ва тадқиқотчи Р.Саидовалар томонидан тўплаб, нашр этилган “Бухоро афсоналари” китобидан ўрин олган.

Бу афсоналар, аслида, бир воқеликнинг турли талқини – ҳар хил вариантларидир. Жумладан, “Қизбиби” деб номланган биринчи афсонада баён этилишича, Яман шаҳридан Абдулло исмли маърифатли ва илмли бир йигит Бухорога келади. У эл орасида Мир Араб номи билан танилган эди. Бухорода шу номда мадраса куради ва ёшларга сабоқ беради. Шу талабалар орасида Оғойи Бузург исмли қиз бўлиб, у ўзининг ўткир зеҳни ва донолиги билан бошқалардан ажралиб туради. У устози Мир Арабдан билимларни пухта эгаллагандан сўнг, Бухоро шаҳридан чиқиб кетади ва бир чўлда макон куриб ўша ерда яшай бошлайди. Кунлардан бир куни бир киши Мир Арабга савол билан мурожаат этибди. Лекин у саволга жавоб тополмабти. Мир Араб ҳалиги кишини Оғойи Бузургнинг ҳузурига юборибди. У қиздан саволига лойиқ жавоб олибди. Мир Араб шогирдининг донолигига қойил қолиб, унга уйланмоқчи бўлибди. Бироқ қиз Мир Арабнинг одамларини орқага қайтарибди: “Тезроқ

Бухорога боринглар, Мир Араб вафот этдилар, жанозаларига кечикманглар, дебти. Шундан сўнг у ўз хужраисга кириб, ўша ерда ғойиб бўлибди”<sup>1</sup>. Эътибор берилса, афсонада тилга олинаётган иккита антропоним топонимга айланган. Яъни Ямандан келган йигитнинг исми – Мир Араб. У шу номда мадраса очади ва толиби илмларни у ерга чорлайди. Кейинчалик Шарқда машҳур бўлган Бухородаги илм маскани Мир араб мадрасаси шу мударрис номи билан атала бошланганлигини англаш мумкин. Иккинчиси – Оғойи Бузург исмли қиз. У – Мир Арабнинг иқтидорли шогирди. Оғойи Бузург илм таҳсилани тугатгандан сўнг Бухородан чиқиб кетади ва чўлда макон туттади. Ҳозирда бу жой Жондор туманининг чўл худудида жойлашган бўлиб, Қизбиби номи билан юритилади.

Бу афсонанинг иккинчи варианты бўлиб, “Қизбиби ва Мир Араб” деб номланган. Унда ёзилишича, Мир Араб бир муаммони еча олмай Қизбибига мурожат этади. У устозининг саволини бир дақиқада ҳал этади. Шундан сўнг Мир Араб қизнинг ақлу камоли, фахму фаросатига қойил қолади ва унинг таърифи тўрт томонга ёйилади. Қизбиби бокира қиз бўлиб, парҳез билан овқатланган, фақат ўзи етиштирган мевалардан, ўзи парваришлаган молнинг гўштини тановул қилган. Шунинг учун у қилган дуолар ўз ижобатини топган. Мир Араб қизга уйланмоқчи бўлиб совчи узатади. Бироқ қиз “устодга шогирд совчи юбориши мумкинми, дея уни рад этади. Совчиларга тез ортларига қайтишларини, пирлари вафот этганини айтади”. Бу афсона ҳам юқоридаги биринчи афсонага ҳамоҳанг. Бу ерда Жондор тилга олинади. Ҳақиқатан, ҳозирда Жондор туманида Қизбиби деб аталувчи зиёратгоҳ жой бунёд этилган.

Қизбиби ҳақидаги кейинги афсона “Қизбибининг сочлари” деб номланган. Унда ҳам Қизбиби барча илмлардан хабардор, ҳар қандай мушкулни тезгина ҳал қиладиган гўзал қиз сифатида тилга олинади. Бу жиҳатдан олдинги афсоналарга мазмунан уйғундир. Хуллас, унинг мўъжизакор хислатини эшитган одамлар сеҳргарга чиқариб кўядилар. Натижада қирқ кишилиқ лашкар қизни ўлдириш пайига тушади. Қиз яширинади, улардан қочади, охири худога илтижо қилади. Ер ёрилиб, у ер остига кириб кетади, бир тутам сочи ернинг устига қолади. Кейинчалик шу сочдан саксовул пайдо бўлади. Қизбиби ерга кириб кетган жой эса авлиёга айланади<sup>2</sup>. Бу уч афсонани боғлаб турган хусусият – Қизбибининг ниҳоятда заковатли, мўъжизавий хислатларга эгалигидир. Иккинчи мувофиқлик Қизбиби макон тутган жойнинг

<sup>1</sup> Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.97-98.

<sup>2</sup> Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.97-98

сахро эканлигидир. Юқорида таъкилаганимиздай, ҳозирда шу жой Жондор туманининг чўл ҳудудида жойлашган, обод қилинган зиёрат масканига айланган.

Қизбиби ҳақидаги тўртинчи афсона ҳам юқоридагиларга мазмунан уйғун. “Қизбиби қишлоғи” деб аталган бу афсона “Қизбиби” га моҳиятан яқин. Унла ҳикоя қилинишича, Ямандан Бухорога Абдулла исмли бир амир келади. У мулкдор кишининг ўғли бўлиб, илм олишга жуда қизиққан эди. Бухоройи шариф уни илмли қилганлиги учун бу ерда бир гумбазли, маҳобатли мадраса курдиради. Унга Мир Араб деб ном беради. Шу жойда у зоҳирий ва ботиний илмларни пухта эгаллаган Оғойи Бузург (Қизбиби) таърифини эшитади ва унга ошиқ бўлиб қолади. Қизга совчи юборади. Бироқ у қулчиликка келганларини омтонадан киритмайди ва уларга: Зудлик билан ортга қайтинглар. Мир Араб Абдуллонинг жанозаларига кечикманг тағин, – дейди. Ҳақиқатан, улар ортларига қайтиб, Бухорога қайтсалар, Мир Араб вафот этган эди. Шундан бошлаб Қизбиби башоратчи аёл сифатида шуҳрат қозонади. Кейинчалик у яшаган қишлоқ Қизбиби номини олади<sup>3</sup>.

Кўринадики, “Қизбиби”, “Қизбибининг сочлари”, “Қизбиби ва Мир Араб”, “Қизбиби қишлоғи” деб номланган тўртта афсона вариантдош бўлиб, бир-бирини мазмунан тўлдириб туради. Улардаги бош қаҳрамон билимли, фаросатли ва башоратчи аёл – Қизбибидир. Ана шу фазилатлари туфайли бу ном кейинчалик жой номи – топонимга айланган. Бу афсоналар узоқ ўтмишда ҳам илмли, маърифатли аёллар эъзозланганлигини кўрсатиб туради. Қолаверса, афсона тарихга яқин бўлади. Бугунги кунда Жондор туманида жойлашган Қизбиби зиёратгоҳининг тарихи ана шундай ҳаётий воқелик заминида туғилган.

<sup>3</sup> Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.98-99.

CONTENTS | INHALTSVERZEICHNIS | MUNDARIJA

22. Қувватова, Д., & Бозорова, Г. ҚИЗБИБИ ТОПОНИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ БУХОРО АФСОНАЛАРИ ҲАҚИДА.	160-162
23. Abdullaev, Z. M. PERSONENNAMEN IM DEUTSCHEN UND USBEKISCHEN: SEMANTISCHE HERKUNFTSBEREICHE.	163-169
24. Baymetov, B. B., & Xamroqulova, M. T. UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA BADIY TA'LIM BERISHDA TASVIRIY SAN'AT TARIXINING O'RNI.	170-174
25. Sanakulov, Z. BADIY NOMLARNING ONOMASTIKADA TUTGAN O'RNI VA MA'NO ASPEKTI.	175-184
26. Islomov, S. R. OG'ZAKI SUHBATLAR VA MULOQOTLARNING LINGVISTIK TADQIQI VA TAHLILI.	185-195
27. Аноркулов, С. И. ТОПОНИМЛАРНИНГ КОГНИТИВ ВА МАДАНИЙ МАВҒЕИ.	196-200
28. Рўзиев, Я. Б. НОҚАРДОШ ТИЛЛАР ҚУРИЛИШИНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТИ.	201-206
29. Shirnazarova, Z. A. ZAMONAVIY XORIJIY TIL DIDAKTIKASIDA MADANIYATLARARO MULOQOTGA OID ATAMALARNING MUHOKAMASI TO'G'RISIDA.	207-210
30. Makhmudov, K. ENGLISH AS A GATEWAY: FOSTERING INTERCULTURAL DIALOGUE AMONG UZBEK ADOLESCENTS.	211-217
31. Mirvaliyev, F. SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL RESEARCH OF STRESS ELIMINATION IN THE PROCESS OF READING COMPREHENSION IN FUTURE GERMAN LANGUAGE TEACHERS.	218-221
32. Usmonxodjayeva, M. NEMIS TILI FANIDA YOZMA NUTQ.	222-226
33. Shabidinova, Z. I. FORMATION OF PROFESSIONAL LEXICAL COMPETENCE IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE TO STUDENTS OF THE TOURISM DIRECTION.	227-230
34. Raxmanova, D. A. OBRAZLI VOSITALARNING TILSHUNOSLIKDA O'RGANILISHI VA KLASSIFIKATSIYASI.	231-235
35. Zaripova, Z. NEMIS TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI.	236-238
36. Kuvonov, Z. M. NEMIS TILIDAGI FRAZEOLOGIZMLAR VA ULARNING O'ZBEK TILIGA BERLISHI.	239-243
37. Abdukhaliyeva, D. DIE LEXIKALISCHEN ÄQUIVALENZPROBLEME IN DER ÜBERSETZUNG VOM DEUTSCHEN IN DIE USBEKISCHE SPRACHE.	244-249
38. Yusupova, M. A. EFFECTIVE PRINCIPLES ARE A SIGN OF QUALITY EDUCATION.	250-253
39. Abduramanova, D. V. DYNAMICS AND INFLUENCE OF FICTIONAL LITERARY WORLDS ON THE DEVELOPMENT OF LEXICAL INNOVATIONS.	254-260
40. Nazarov, S. K. PROBLEME DER LITERARISCHEN ÜBERSETZUNG.	261-274
41. Tilovova, G. A. STAGES OF HISTORICAL-GRADUAL DEVELOPMENT OF GERMAN AND UZBEK LEXICOGRAPHY.	275-282
42. Jabborova, O. M. BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING LEKSIKOGRAFIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH INNOVATSIYASI.	283-286
43. Jabborova, O. M., & To'rayeva, G. T. BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING SIFATLI O'ZLASHTIRISHIDA LEKSIKOGRAFIYA IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH.	287-290